



**“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ**

№ КҚБТ -  
Таҳририяти: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_. \_\_. 2023 й.  
21 дан 1-вараги



**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ**  
Бош директори  
**А.ГРИГОРЬЯНЦ**

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2023й.

**“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ**

КҚБТ - \_\_\_\_\_

Ишлаб чиқилган:  
Хавфсизликни таъминлаш  
бўйича мутахассис

**Р. Мустаев**

2023 й. “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

№ КҚБТ \_\_\_\_\_

**Бошқариладиган мисол**

(нусха №)

(ўзгариши мумкин)

(маъсул ишчининг асл имзоси)

*Маълумот нусхаси*

(фақат маълумот учун)



**“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ**

№ КҚБТ -  
Таҳририяти: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_.\_\_.2023 й.  
21 дан 2-вараги

## МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар
2. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг тамойиллари
3. Масъул таркибий тузилмалар ишчиларининг мажбуриятлари ва ваколатлари
4. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби
5. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари
6. Ахборотнинг конфеденциаллиги
7. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар
8. Яқуний қоидалар



**“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ**

№ КҚБТ -  
Таҳририяти: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_\_\_\_.2023 й.  
21 дан 3-вараги

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда Жамият)да манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, унинг олдини олиш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган хизмат ваколатларидан қатъий назар Жамиятнинг барча ишчиларига тегишли.

4. Мазкур Низом Жамиятда юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқариш масалаларидаги асосий ички ҳужжат ҳисобланади ва барча ишчилар томонидан сўзсиз риоя қилиниши шарт.

5. Жамият ишчилари томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ масалалар **хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳамда бўйруқ асосида ички назорат вазифаларни бажарувчи мутахассис**(кейинчалик мутахассис) томонидан мувофиқлаштириб борилади.

6. Мазкур Низом мақсадларида куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**алоқадор шахслар** – Жамият ишчи билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

**кронизм** – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият (лавозим мавқесидан) ва обрўсидан фойдаланиш;


**манфаатлар тўқнашуви** – Жамият ишчининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш** – ишчилар томонидан потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

**манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш** – Жамият томонидан ишчиларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлар) Жамият манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

**махаллийчилик** – шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

**непотизм** (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ КҚБТ - Таҳририяти: ____ Сана: ____ .2023 й. 21 дан 4-вараги</p>
-----------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------

(ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Жамият манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

**потенциал манфаатлар тўқнашуви** – ишчининг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Жамиятнинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва Жамият ишчилари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

**реал манфаатлар тўқнашуви** – ишчининг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) Жамият манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

**уруғ-аймоқчилик** – Жамият ишчининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

**фаворитизм** – Жамият ишчи бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Жамиятда кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сихатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек

иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик;

**ишчининг шахсий манфаатдорлиги** – ишчи томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ишчига алоқадор


бўлган шахслар томонидан ишчининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

**шафелик** – Жамият ишчининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ишчи томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

## 2-боб. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг тамойиллари

7. Жамият ишчилари манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилишлари шарт:

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ ҚҚБТ - Таҳририяти: _____ Сана: _____.2023 й. 21 дан 5-варағи</p>
----------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------

давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиш;  
ошкоралик, виждонлилик, холислик асосида қарорлар қабул қилиш;  
потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг шартлиги;  
манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларнинг устуворлиги;  
манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши;  
манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашув;  
белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг тарқатилмаслигини таъминлаш;  
агар ишчи бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда Жамият манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёр бўлса, уни реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги;  
шаффофлик ва ҳисобдорлик;  
шахсий жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги.

### **3-боб. Масъул таркибий тузилмалар ишчиларининг мажбуриятлари ва ваколатлари**

8. Жамият ишчилари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ва (ёки) Жамиятнинг манфаатларини ифодалашда ушбу Низомда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

9. Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Жамият ишчилари:


ушбу Низом талабларига риоя қилиши;  
фақат Жамият манфаатларини кўзлаши;  
ўз мансаб ва хизмат мавқеидан фақат Жамият манфаатлари йўлида фойдаланиши;

Жамият манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида **мутахассисни** хабардор қилиши;

**непотизм** (қариндошлик), шафелик, фаворитизм, кронизм, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг намоён бўлишига қатъий чек қўйиши;

потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши;

ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларидаги иштироқи ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ ва виждонан ошкор қилиши;

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ КҚБТ - Таҳририяти: _____ Сана: _____.2023 й. 21 дан 6-варағи</p>
-----------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------

агарда ташкилотнинг бошқа ишчиларида манфаатлар тўқнашуви мавжудлигига оид маълумотга эга бўлган тақдирда ички ҳужжатларда белгиланган тартибда хабар бериши шарт.

10. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида Жамият ишчи куйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак, агар:

ишчининг бевосита бўйсунувида яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар бўлса;

белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган Жамиятда ишчининг яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар фаолият юритса ёки белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган мансабдор шахс ишчининг яқин қариндоши ва (ёки) алоқадор шахс бўлса;

ишчи яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ишчиларга (жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотлар, устамаларга тақдим этиш ва уларнинг миқдорини белгилашга) оид қарорлар қабул қилишда иштирок этса.

Мазкур рўйхат якуний ҳисобланмайди. Жамият ишчи яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан (улар фаолият юритаётган ташкилотларга) ҳар қандай қарорлар қабул қилиш (имтиёзлар бериш, лицензиялар тақдим этиш, маҳсулотлар сотиб олиш ва шу кабилар) ҳолати потенциал манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда, Жамият ишчи манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши лозим бўлади.

11. Мазкур Низомнинг 10-бандида қайд этилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни аниқлаш учун ишчи қарор қабул қилиш ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан аввал ўзига куйидаги саволларни бериши лозим: “Мен қарорни виждонан ва ҳолис қабул қилишим, ҳаракатни амалга оширишим мумкинми?” ва “Агар бу қарорни бошқа ишчи қабул қилганда, худди мен қабул қилган қарорни қабул қилган бўлармиди?”. Агар ишчи бу саволлардан биттасига бўлса ҳам “Йўқ” деб жавоб берса, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги хатари юзага келади.

12. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш борасида куйидагилар амалга оширилади:

ишчиларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлашда, шунингдек бошқа ҳолатларда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ахборот жамланади;


ҳар бир ишчи мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатини аниқлайди ҳамда ўзининг раҳбарига ва **Ишчилар билан ишлаш** бўлимига хабар беради;

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар бир маълумот ёки хабар коллегия тартибда ўрганилиб, унинг таъсири аниқланади.

Қонун ҳужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

13. Манфаатлар тўқнашуви мутахассис томонидан куйидагича бошқарилади:

ишчиларни ишга қабул қилишда уларга мазкур Низом талаблари имзо қўйдирилган ҳолда таништирилади;

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ КҚБТ - Таҳририяти: _____ Сана: _____.2023 й. 21 дан 7-вараги</p>
-----------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------

Низом талаблари бўйича ишчиларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш ишлари олиб борилади;

аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари рўйхатга олиб борилади;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсатига кўра, иш берувчи томонидан амалга оширилади;

манфаатлар тўқнашувини олдини олиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида кузатиш ҳамда мониторинг амалга оширилади.

Манфаатлар тўқнашуви бошқарилишида қонун ҳужжатлари талаблари асосида бошқаришнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

14. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда қуйидаги чоралар кўрилиши мумкин:

ишчининг тегишли фаолиятни амалга оширишда ёки қарор қабул қилишда ихтиёрий равишда иштирок этмаслиги ёки четлашишига рухсат бериш;

ишчининг лавозим вазифаларини кўриб чиқиш ёки унга ўзгартириш киритиш;

ишчининг шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган маълумотларга чекловлар ўрнатиш;

ишчининг шахсий манфаатлари унинг лавозим мажбуриятларига зид бўлса, уни манфаатлар тўқнашуви таъсир этмайдиган бошқа лавозимга ўтказиш;

ишчининг Жамият фаолиятига ёки манфаатларига салбий таъсир этувчи ўзининг шахсий манфаатларидан воз кечиши.

#### **4-боб. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби**

##### **1-§ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг умумий қондалари**

15. Жамиятда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқишини олдини олиш манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг қуйидаги шаклларида фойдаланган ҳолда амалга оширилади:


Жамият тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ҳар йил ошкор қилиш (йиллик декларация);

реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви юзага келиш факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш.

##### **2-§ Бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш**

16. Жамият тизимида бўш иш жойларига номзодларни, ишчиларни лавозимга тайинлаш ва уларни ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда декларация қилиш мутахассисга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади:

	<p><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ КҚБТ - Тахририяти: _____ Сана: _____.2023 й. 21 дан 8-вараги</p>
----------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган маълумотнома;

ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва ротация қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисида мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги ариза тўлдирилади.

Ишчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар мутахассис томонидан уларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича текширилади. Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида Жамият раҳбарини ёки номзод ишга қабул қилиниши ёки ротация қилиниши назарда тутилган таркибий бўлинма раҳбарни хабардор қилади.

Раҳбар кўрсатмасига асосан Ишчилар билан ишлаш бўлими Жамиятдаги тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чораларини кўради.

### **3-§ Манфаатлар тўқнашувини ҳар йиллик декларация қилиш**

17. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ҳар йили декларация куйидаги тартибда амалга оширилади:

Жамият ишчилари ҳар йили 15 февралгача мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ариза топширишда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризани тўлиқ ва тўғри тўлдиришлари ва тўлдирилган аризани мутахассисга тақдим қилишлари лозим;

Мутахассис 10 мартгача манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини кўрсатган ишчиларни аниқлаш учун манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақида олинган аризаларни таҳлил қилади;


таҳлил натижасида фаолиятида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ишчилар аниқланса, бундай ишчилар ҳақидаги маълумот Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясига тақдим қилинади;

Жамият Одоб-ахлоқ комиссияси ишчининг бевосита раҳбари ва (зарурат бўлганда) ишчи иштирокида 20 мартгача манфаатлар тўқнашуви ҳолатини кўриб чиқади ва манфаатлар тўқнашуви билан тавсифланадиган вазиятларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида қарор чиқаради. Мазкур қарор комиссия баённомасига киритилади. Баённомада чора-тадбирларни ишлаб чиқишга масъул тузилма (мансабдор шахс) белгилаб қўйилади;

мутахассис томонидан 25 мартгача мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрига киритиладиган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги электрон маълумотларни жамлайди ва сақлайди;

мутахассис ҳар йили I чорақда Жамиятнинг манфаатлар тўқнашуви декларацияни қилиш, аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича статистика таҳлилинини Жамият раҳбарига киритади.



	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ ҚҚБТ - Таҳририяти: _____ Сана: __. __. 2023 й. 21 дан 9-варағи</p>
----------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------

**4-§ Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш факти бўйича декларация тўлдириш**

18. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти бўйича маълумотларни декларация қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Жамият ишчида манфаатлар тўқнашуви келиб чиққанда, у мазкур ҳолат унга маълум бўлган пайтдан бошлаб 3 иш куни ичида бу ҳақда бевосита раҳбарига реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви сифатида тавсифланадиган ҳолатни батафсил баён этган ҳолда, мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хабар бериши лозим;

ишчининг бевосита раҳбари ишчидан ёзма хабарни олган пайтдан бошлаб, 3 иш куни ичида манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни кўриб чиқиши ва манфаатлар тўқнашувини баратараф қилиш бўйича таклиф билан хабарномани мутахассисга рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли чораларни кўриш учун тақдим этиши шарт;

мутахассис ишчининг бевосита раҳбари билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини баратараф этиш чораларини кўради ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилиниб, Жамият раҳбарига ёзма шаклда тегишли маълумот киритилади.

**5-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари**

19. Жамият манфаатларининг бузилишини олдини олиш мақсадида реал манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари тезроқ амалга оширилиши лозим.

20. Жамиятда манфаатлар тўқнашувларини бошқаришда қуйидаги чоралар белгиланиши керак:

бевосита бўйсунадиган ишчини яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида ишчи шахсан қатнашади;


ишчи томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган Жамиятнинг маълумотлари ва ҳужжатларидан фойдаланилишидан имкон қадар четлаштириш;

раҳбар лавозимни эгаллаб турган яқин қариндош ва (ёки) алоқадор шахсга нисбатан лавозимни кўтариш, фаолиятини баҳолаш, мукофот пулларини тўлаш ва иш ҳақиға устамаларни ҳисоблаш, ўқишга ва тренингларга ҳамда турли масалалар бўйича хорижга юбориш, меҳнат таътилига чиқишга розилик бериш ва иш ҳақини назорат қилиш ҳақида жамоавий тарзда қарор қабул қилинишини таъминлаш;

манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини минималлаштириш учун ишчини бошқа лавозимга ўтказиш.

21. Истисно ҳолатларда, ушбу Низомнинг 20-бандида санаб ўтилган чоралар манфаатлар тўқнашувини тўлиқ тартибга солмаган тақдирда, қуйидаги тартибга солиш чоралари кўрилиши мумкин:

ишчи томонидан Жамиятнинг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ КҚБТ - Таҳририяти: _____ Сана: _____.2023 й. 21 дан 10-вараги</p>
-----------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------

ишчи томонидан Жамият манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечмаганда унинг меҳнат шартномасини бекор қилиш.

22. Ҳар бир вазиятда, манфаатлар тўқнашуви предметини белгилаб берадиган фактдан келиб чиқиб, ишчи билан Жамиятнинг келишувига кўра, уни ҳал қилишнинг бошқа чоралари қўлланилиши мумкин. Қўриладиган барча чоралар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши ва мазкур Низомда белгиланган тамойилларни амалга оширишни таъминлаши лозим.

23. Жамиятда мутахассиси ва ишчининг бевосита раҳбари томонидан манфаатлар тўқнашувини баратараф этиш чоралари ва қабул қилинган қарорлар Одоб-ахлоқ комиссиясининг яқиндаги йиғилишида кўриб чиқилиб, бу ҳақда мажлис баённомасида акс эттирилади.

24. Мутахассис ишчининг эътирозига ёки раҳбар топшириғи, шунингдек ўз ташаббуси билан ишчининг бевосита раҳбари, шунингдек Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ҳаққонийлигини текшириш ҳуқуқига эга.

#### **6-боб. Ахборотнинг конфиденциаллиги**

25. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда қатнашадиган ишчилар олинган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаши ва ушбу маълумотлардан фақат кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда ушбу жараёни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланилишини таъминлаши лозим.

26. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан Жамиятнинг ишчиларида манфаатлар тўқнашуви факти ёки гумони ҳақидаги хабар билан Жамиятга мурожаат қилинганда уни кўриб чиқиш мутахассиси томонидан мазкур Низом ва бошқа ички ҳужжатларга асосан амалга оширилади.


#### **7-боб. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар**

27. мутахассис манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга киритиш йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ юритишлари шарт. Бунда, худудий ва таркибий бўлинмаларнинг Реестридаги маълумотларни ҳам мутахассис томонидан Жамиятнинг умумий Реестрига бирлаштириб борилади.

28. Маълумот Реестрга қўйидаги ҳолларда киритилиши керак:

Жамиятга ишга қабул қилишда – номзод манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақида декларациясида манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини кўрсатган бўлса ва Жамият раҳбари манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

лавозимга тайинлаш/ротация қилиш вақтида манфаатлар тўқнашувини ошкор қилишда – Жамият раҳбари томонидан буйруқ имзоланган пайтдан бошлаб, 10 иш кунидан кечиктирмасдан;

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ КҚБТ - Тахририяти: _____ Сана: _____.2023 й. 21 дан 11-вараги</p>
----------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------

манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишига кўра – мутахассис ишчининг бевосита раҳбари томонидан чора кўрилган тақдирда;

Жамият ишчилари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар ҳар йили декларация қилинганда – мазкур Низомнинг 17-бандига мувофиқ;

манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ҳақида алоқа каналларидан олинган маълумот тасдиқланганда.

29. Ишчиларнинг манфаатлар тўқнашувига тегишли бўлган ариза ва хабарномалари ҳамда бошқа маълумотлар мутахассисда сақланади.

### **8-боб. Яқуний қондалар**

30. Эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, барча ишчилар, ушбу Низомнинг талабларига риоя қилиш, шунингдек, ўз манфаатларининг тўқнашуви тўғрисида Жамиятга ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

31. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.



“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ

№ КҚБТ -  
Таҳририяти: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_\_\_\_.2023 й.  
21 дан 12-вараги

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низомга 1-илова

Номзод/ишчи маълумотномасининг  
**ТАХМИНИЙ ШАКЛИ**

**МАЪЛУМОТНОМА**

**ФИШ (тўлик)**

\_\_\_\_\_ (охирги иш жойида иш бошлаган санаси):  
\_\_\_\_\_ (охирги эгаллаган лавозими)

Туғилган санаси:

Туғилган жойи:

Миллати:

Партиявийлиги:

Маълумоти:

Тугатган:

Таълим мутахассислиги:

Илмий даражаси:

Илмий унвони:

Қандай чет тилларини билади:

Ҳарбий (махсус) унвони:

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қандай)?:

Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлик кўрсатилиши лозим):

расм

**МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ**

---

---

---

---



“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ

№ КҚБТ -  
Тахририяти: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_. \_\_. 2023 й.  
21 дан 13-вараги

**(Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

Қариндошлик даражаси	Фамилияси, исми, шарифи	Туғилган санаси ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Яшаш манзили


**(Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари устав капиталида улушга эга ёки бошқарувида иштирок этаётган юридик шахсларга доир  
МАЪЛУМОТЛАР**

Юридик шахс номи, рўйхатдан ўтган рақами	Эгалик субъекти ва қариндошлик	Эгалик улуши / бошқарувдаги роли	Юридик шахснинг асосий фаолият тури

**Тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этаётган  
(Ф.И.Ш тўлиқ) ва унга алоқадор шахсларга\* доир  
МАЪЛУМОТЛАР**

Тижорат ташкилоти номи, рўйхатдан ўтган рақами	Эгалик улуши

\* Алоқадор шахслар рўйхати ишчи устав капиталида иштирок этаётган ташкилот ҳақидаги очиқ манбалардан олинади.

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ КҚБТ - Таҳририяти: _____ Сана: _____.2023 й. 21 дан 14-вараги</p>
----------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низомга 2-илова

**Ишга қабул қилинаётганида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризанинг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ф.И.Ш (тўлик) \_\_\_\_\_

Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи \_\_\_\_\_

Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим \_\_\_\_\_

Тўлдирилган сана \_\_\_\_\_

Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

**алоқадор шахслар** – Жамият ишчии билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

**мансабдор шахс:**

доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс,

ҳалқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

**манфаатлар тўқнашуви** – Жамият ишчининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;




**“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ**

№ КҚБТ -  
Таҳририяти: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_\_\_\_.2023 й.  
21 дан 15-вараги

**ишчининг шахсий манфаатдорлиги** – ишчи томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ишчига алоқадор бўлган шахслар томонидан ишчининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

1.	Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Жамиятда ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг <i>(агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг).</i>
	<b>Ҳа / Йўқ</b>
	<i>Изоҳлар:</i>
2.	Бошқарув органи (бошқарув, кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ва ҳ.к.) ишчи, аъзоси, қандайдир ташкилот директори ёки вакилимисиз? Жавоб бераётганингизда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкий шакли, шунингдек мазкур ташкилотлардан қандайдир компенсация олишингиздан қатъий назар ҳар қандай ташкилот, тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги ўрнингизни ҳисобга олинг. <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва улардаги ўрнингиз (лавозимингиз)ни кўрсатиб ўтинг.)</i>
	<b>Ҳа / Йўқ</b>
	<i>Изоҳлар:</i>
3.	Сизда / яқин қариндошларингизда қандайдир ташкилотларда қандайдир молиявий манфаатдорлиги борми (жумладан, устав капиталида иштирок этиш, акция ва облигацияларга эгалик қилиш) ёки Сиз бошқа тарзда бундай ташкилотлар қарорларига таъсир кўрсата оласизми? (агар сиз ҳар қандай ташкилотнинг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёки ҳар қандай ташкилотнинг Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасининг оммавий муомаласида бўлган қимматбаҳо қоғозларининг 5 ва ундан кўп фоизига эгалик қилсангиз) <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини белгиланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, «Изоҳлар» сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва Сизнинг улардаги манфаатингиз тури устав капиталидаги иштирокингиз улуши, акцияларга эгалик қилиш ва ҳ.к ларни кўрсатиб ўтинг.)</i>
	<b>Ҳа / Йўқ</b>
	<i>Изоҳлар:</i>
4.	Яқин қариндошларингиз ва/ёки сизга алоқадор шахслар давлат органлари ва ташкилотларида, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида муассасаларида ишлайдими? <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини белгиланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, «Изоҳлар» сатрида бундай қариндош(лар), алоқадор шахс (лар)нинг ФИШ, унинг (уларнинг) лавозими ва бўлинмаси/бўлими/бошқармасини қайд этган ҳолда аниқ иш жойини кўрсатиб ўтинг.)</i>

	<p><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлиналарида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ КҚБТ - Таҳририяти: _____ Сана: __.__.2023 й. 21 дан 16-вараги</p>
----------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------

5.	<p><b>Ҳа / Йўқ</b></p>
	<p><i>Изоҳлар:</i></p>
6.	<p>Яқин қариндошларингиз бошқарув органлари (бошқарув, кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ва ҳ.к.) ишчии, аъзоси, ташкилот директори ёки вакилими? Жавоб бераётганингизда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкый шакли, шунингдек мазкур ташкилотлардан қандайдир компенсация олишидан қатъий назар уларнинг ҳар қандай ташкилот, тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги ўрнини ҳисобга олинг. <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва яқин қариндошингизнинг улардаги ўрни (лавозимлари)ни кўрсатиб ўтинг.)</i></p>
	<p><b>Ҳа / Йўқ</b></p>
	<p><i>Изоҳлар:</i></p>
7.	<p>Яқин қариндошларингиз давлат органларининг мансабдор шахси ҳисобланадими? <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бундай қариндошингиз (ларингиз)нинг <u>ФИШ</u>), унинг (уларнинг) лавозими ва ташкилот номини кўрсатиб ўтинг.)</i></p>
	<p><b>Ҳа / Йўқ</b></p>
	<p><i>Изоҳлар:</i></p>
8.	<p>Шахсий манфаатларингиз, яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар манфаатлари йўлида махфий ҳисобланган, давлат органлари ва ташкилотларида ишлаш давомида маълум бўлган ахборотдан фойдаланганмисиз (жумладан, қандайдир жисмоний шахс ёки ташкилотга ошкор қилганмисиз)? <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)</i></p>
	<p><b>Ҳа / Йўқ</b></p>
	<p><i>Изоҳлар:</i></p>
9.	<p>Манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитлар мавжуд бўлса, уларни кўрсатиб ўтинг</p>
	<p><i>Изоҳлар:</i></p>
	<p>Зарур топсангиз, ҳар қандай қўшимча маълумотни кўрсатинг</p>
	<p><i>Изоҳлар:</i></p>

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:


- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган янги ҳолатлар тўғрисида Жамиятга дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (сана)




	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ ҚҚБТ - Тахририяти: _____ Сана: _____.2023 й. 21 дан 17-вараги</p>
-----------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низомга 3-илова

**Ротация/лавозимга тайинланишда ёки йиллик декларацияни тўлдириш вақтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ф.И.Ш (тўлик)	
Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи	
Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим	
Тўлдирилган сана	
<p>Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:</p> <p><b>яқин қариндошлар</b> – қариндош ёки қандайдир томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.</p> <p><b>алоқадор шахслар</b> – Жамият ишчиси билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;</p> <p><b>манфаатлар тўқнашуви</b> – Жамият ишчининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;</p> <p><b>ишчининг шахсий манфаатдорлиги</b> – ишчи томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ишчига алоқадор бўлган шахслар томонидан ишчининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);</p>	
1	<p>Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Жамиятда ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (<i>агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг</i>).</p>

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ</b></p>	<p>№ КҚБТ - Таҳририяти: _____ Сана: _____.2023 й. 21 дан 18-варағи</p>
2	<p>Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (якка тартибдаги тадбиркорлар бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? <i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i></p>	
3	<p>Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар нодавлат нотижорат ташкилотларини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? <i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i></p>	
4	<p>Сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар давлат идораларида ва ташкилотларида ишлайдими? Агар жавоб “ҳа” бўлса қайси ташкилотлигини, лавозимини кўрсатинг.</p>	
5	<p>Сизга Жамият ишчилари томонидан унинг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид ички ҳужжатларини бузиш ёки эҳтимолий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар маълумми? <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)</i></p>	
6	<p>Лозим деб топсангиз қўшимча маълумотларни кўрсатинг.</p>	

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган **янги ҳолатлар тўғрисида** Жамиятга дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (сана)







“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича НИЗОМ

№ ҚҚБТ -  
Таҳририяти: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_. \_\_. 2023 й.  
21 дан 21-вараги

### К Е Л И Ш У В В А Р А Қ А С И

**Келишилган:**

Бош директор уринбосари

А.Тохтаунов

Бош директор маслахатчиси

П.Асраев

НУБ бошлиғи

Л.Алдошина

ХБИБ бошлиғи

Г.Алиева

МРВКМБ бошлиғи

Ш.Усманова

Бухгалтерия бўлими бошлиғи

Д.Хасанова

ТКЧССТСБ бошлиғи

Ж.Хусанов

КЭСБ бошлиғи

Д.Яхяев

ХБ бошлиғи

Ж.Исломов

АТХ бошлиғи

У.Ахмедов

ЮХ бошлиғи

Ж.Неъматов